ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди

№ БД-1.03-1

2011 йил "8" 11

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 17 сентябрдаги 392-сон буйруғи билан тасдиқланган

TAJRIBA-SINOV

ЭТИКА
фанидан намунавий
ДАСТУР

(бакалавр йўналиши учун)

Тошкент – 2011

Мазкур намунавий дастур Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2011 йил 9 сентябрдаги 3–сон мажлис баёни билан тажрибавий дастур сифатида маъқулланган.

Ушбу дастур “Этика” фанидан бакалаврнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлари мазмунига қўйиладиган талаблар асосида тайёрланган.

Тажрибавий дастурни келгусида тўлдирилган ва бойитилган ҳолда чоп этиш заруратини ҳисобга олиб, фикр-мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

Тошкент шаҳар, 2-Чимбой кўчаси 96-уй, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги “Маънавий-ахлоқий тарбия” бошқармаси, тел: 246-10-58, 246-10-54.

Фаннинг ўқув дастури Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Абдулла Шер – “Этика ва эстетика” кафедраси доценти (ЎзМУ)
Муҳаммаджонова Л.А. – фалсафа фанлари номзоди, доцент (ЎзМУ)

Тақризчилар:

Шермухамедова Н.А. – фалсафа фанлари доктори, профессор (ЎзМУ)
Пўлатова Д.А. – фалсафа фанлари номзоди, доцент (ТДШИ)

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий-услубий кенгаши томомнидан тавсия этилган (2011 йил 19 августдаги 1-сон баённома).

КИРИШ

“Этика” фани фалсафий фанларни ўзлаштирувчи мамлакатимиз талаба ёшларини ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда муҳим омиллардан биридир. Бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида ахлоққа зид бўлган ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин.

Бугунги глобаллашган XXI асрда ёшларни ахлоқимизга зид бўлган иллатлардан ҳимоя қилиш долзарб вазифадир. Гўзал ахлоқ ва одоб билан белгиланган маънавий фазилатлар инсонлар ўртасидаги барча муносабатларга сингиб кетганидан кейингина чинакам ахлоқий аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам ахлоқий қадриятлар барча даврларда инсоннинг маънавий камолоти, жамият тараққиётининг асосий омилларидан бири сифатида эътироф этилган. Барча ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муаммоларни ҳал этиш имконияти инсон шахсини тарбиялаш орқали яратилган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мезони, маънавий-маърифий соҳадаги янгиланишларнинг асосий йўналишлари, замонавий дунёқарашни шакллантираётган муҳим омиллар бевосита ахлоқнинг маънавият тизимида муҳим ўрин тутганлигидан далолат беради.

Ахлоқ нормалари бир халқдан бошқа халқларга, авлоддан авлодга ўтиб, бойиб, такомиллашиб боради. Мукаммал ахлоқ ва комил инсон ҳақидаги тушунчалар ҳар бир даврнинг имкониятлари ва мезонлари асосида белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Инсон маънавий оламининг юксалиши билан боғлиқ турли ҳолатлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин, мухтасар қилиб айтганда, Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш – одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Ўйлайманки, бундай хулосани инсоният ўз онгли ҳаёти давомида доимо орзу қилиб, интилиб келган юксак маънавий идеалнинг фалсафий ифодаси, мантиқий натижаси сифатида қабул қилиш ўринлидир.”[1]

Ахлоқ ва одоб нормалари ижтимоий муносабатлар, таълим- тарбия асосида шаклланади.

“Этика” фани ўз моҳиятига кўра инсонни сийратан баҳолайди, унга мана бу – фазилат, бу эса иллат деб, инсоннинг мавжуд хислатларини таҳлил қилиб кўрсатади. Фан бўйича ишлаб чиқилган мазкур дастур доирасида талабалар жамият ва инсонлараро муносабатларда ахлоқий мезонларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тушунча, билим ва кўникмаларга эга бўладилар.

---

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., Маънавият, 2008. 10-б.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад – ахлоқ ҳақидаги қарашлар тарихини ва бой маънавий меросини ўрганиш асосида замонавий одоб - ахлоқ қоидалари ва уларга амал қилишнинг ижтимоий маънавий аҳамиятини ўрганишдан иборат. Жамиятда ёшларнинг умуммаданий савиясини юксалтиришга ҳисса қўшиш, комиллик сари интилиб яшаш кўникмаларини шакллантиришдан ҳамда кенг халқ оммасини маънавий юксак, ахлоқан етук қилиб тарбиялашдан иборат.

Фаннинг вазифалари:

- ахлоқнинг миллийлик ва умумбашарийлик хусусиятларини таҳлил этиш, замонавий ахлоқий меъёрларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;
- этика категорияларининг инсон ҳаётидаги белгиловчи ўрнини аниқлаш;
- замонавий этика муаммоларининг инсон умри билан боғлиқ эканлигини асослаш ва инсоннинг ўз умрига, хатти - ҳаракатига масъулиятини ошириш малакаларини ўргатиш;
- талабаларни умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқнинг маънавий меросини мустахкамлашга эъзозлашга ўргатиш;
- ахлоқий қадриятлар ҳисобланган ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини талабалар онгига сингдириш;
- ахлоқий қадриятлар, шу жумладан, иймон, инсоф, ҳалоллик, ҳаромдан, бировнинг ҳаққини ўзлаштиришдан қўрқиш, меҳр–муруввaтлилик, раҳм–шафқатлилик, оқибатлилик, андишалилик, шарму-ҳаё, дўстлик кабиларни талабалар онгига сингдиришдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

“Этика” фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- этика – ахлоқнинг келиб чиқиши, моҳияти тараққиёти ҳамда ахлоқий муносабатлар тизимини ўрганадиган қадимий фалсафий фан эканлигини тушуниши; этика фанининг жамият ижтимоий-маънавий ҳаётидаги ўрни, ахлоқий тамойиллар, замонавий баркамол инсонни вояга етказишда этика фанининг ўрни ва аҳамиятини;
– ахлоқнинг фақат инсонгагина ато этилган маънавий неъмат экани, ахлоқ ва шахс камолоти борасида динийлик ва дунёвийликнинг ўзаро диалектик боғлиқлигини билиши, ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов ўртасидаги ўзаро алоқадорлик масалалари, ахлоқий тарбия борасидаги умумий қонуниятлари;
– дунё халқларининг ахлоқий менталитети, улар ўртасидаги умумийлик ва фарқли жиҳатлар, оиладаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг фарзанд тарбиясига таъсири, муомала маданияти, замонавий ахлоқ кўринишлари, “оммавий маданият”нинг ёшлар дунёқарашига ижобий ва салбий таъсири, замонавий ахлоқий тарбияда космополитизмга мойилликнинг кучайиб бориши, бугунги кундаги долзарб ахлоқий муаммоларнинг ўзига хос хусусиятлари;

- ахлоқий ва жисмоний тарбиянинг уйғунлиги, тиббий ва экологик тарбиянинг ахлоқий асослари, шахс тарбиясига ижтимоий муҳитнинг таъсири, замонавий ахлоқий тарбиянинг ютуқлари ва камчиликлари; ахлоқий маданиятни шакллантиришнинг долзарб масалалари тўғрисида *билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари зарур.*

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

“Этика” фани ўқув режадаги инсон ва жамият ҳаёти ҳамда фаолиятини ўрганувчи – “Ўзбекистон тарихи”, “Фалсафа”, “Маънавият асослари”, “Диншунослик”, “Маданиятшунослик”, “Социология”, “Психология” каби фанлар билан узвий боғлиқ.

Фанни ишлаб чиқаришдаги ўрни

“Этика” фани жамиятни маънавий жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш муносабатларида ахлоқий маданият устуворлигига эришишни таъминлашда муҳим ўрин тутади. Моддий неъматлар яратишнинг ахлоқий асосларини, шунингдек, техника, интернет, биоэтика, тиббиёт, экологиянинг ахлоқий жиҳатлари ёшларнинг ахлоқий фазилатларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Талабалар мазкур фанни ўзлаштириш орқали келгусида жамоатчилик фаолиятида, жамоат бирлашмаларида, ўз-ўзини бошқариш органларида, маданий-маърифий соҳаларда фаол иштирок этади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг этика фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлардан фойдаланилади. Маъруза ва амалий машғулот дарсларида ақлий ҳужум, кейс-стади, бумеранг, кластер, матбуот конференцияси каби илғор педагогик технологиялардан фойдаланилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Этика” фанининг предмети ва жамият ҳаётидаги аҳамияти

“Этика” фанининг предмети, моҳияти, унинг асосий белгилари ва тузилмаси. Ахлоқнинг пайдо бўлиши. Гедонизм ва эвдемонизм тушунчаларининг ахлоқий аҳамияти. Этика фанининг фанлараро боғлиқлиги: фалсафа; эстетика; диншунослик, ҳуқуқшунослик, миллий ғоя, психология, педагогика, сиёсатшунослик, экология. Ахлоқнинг пайдо бўлиши ҳақидаги диний, эмпирик ва генетик концепциялар. Ўзбекистон мустақиллигининг этика фани ривожига конструктив таъсири. XXI асрда глобал этосфера (ахлоқий муҳит)ни яратишнинг зарурияти. Инсон, унинг инсоният олдидаги бурчи ва масъулияти.

Қадимги дунё ва ўрта асрларда ахлоқ ҳақидаги қарашлар тарихи

Қадимги Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари ижодида ахлоқ ҳақидаги қарашларнинг умумий томонлари ва фарқи. Қадимги Шумер, Вавилон ва Мисрдаги ахлоқий қарашлар. “Авесто” – Турон ва Эрон халқлари ахлоқий қонун-қоидаларининг манбаи.

Қадимги Ҳинди-Хитой минтақасидаги ахлоқий қарашлар: буддавийлик, даоцизм. Конфуций таълимотининг ахлоқий жиҳатлари.

Қадимги Юнон ва Румо ахлоқшунослигида Сукрот ва Афлотун, Арасту ва Эпикур, Тит Лукреций Кар, Сенека ва Эпиктет ижодининг ўрни.

Ўрта асрларда Шарқ ва Ғарб ахлоқшунослигининг асосий йўналишлари. Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф, Инжил – диний ахлоқий манба. Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий ижодида ахлоқ масаласи. Ал-Фаробий, Ар-Розий, Ибн Сино, Ибн Рушднинг ахлоқий қарашлари. Тасаввуф ахлоқшунослиги. Имом Ғаззолий, Жалолиддин Румий, Азизиддин Насафийнинг комил инсон концепцияси.

Темур ва темурийлар даврида Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий, Ҳусайн Воиз Кошифий каби мутафаккирлар ахлоқий қарашларининг аҳамияти. “Қобуснома”, “Ахлоқи Муҳсиний”, “Баҳористон”, “Гулистон” пандномаларининг инсон ахлоқий камолотидаги ўрни.

Ўрта асрлар Оврупа ахлоқшунослигида черков ақидаларининг устуворлиги: Фома Аквинский, Августин Блаженний. Уйғониш даври ахлоқий таълимотлари: Валла, Монтен, Макиавелли.

Янги ва энг янги давр ахлоқшунослиги

Янги давр ахлоқшунослигидаги рационал ва сенсуал йўналишлар: Спиноза, Локк, Шэфтсбери. Олмон мумтоз ахлоқшунослиги: Кант, Шеллинг, Гегел, Фейербах. Иррационализм намоёндаларининг ахлоқ фалсафаси: Киркегард, Шопенҳауэр, Ницше.

XIX - XX аср рус мумтоз ахлоқшунослиги: В. Соловьёв, Н. Лосский, И. Ильин. Н. Бердяев қонун этикаси, тавба этикаси ва ижод этикаси ҳақида.

З.Фрейд ва Э.Фром психоанализи, Ж.П.Сартр экзистенциализми, М.Гандининг ғайри зўравонлик ахлоқшунослиги, К.Ясперснинг ҳаётга эҳтиром ахлоқ фалсафаси, А.Швейцер универсал этика асосчиси. М.З.Қутқу ва М.А.Жўшаннинг янги тасаввуфчилик ахлоқшунослиги.

Туркистон маърифатчи-жадидларининг ахлоқий қарашлари: Аҳмад Дониш, Абай ва Анбар Отин. Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, Абдурауф Фитратнинг “Оила ва оилани бошқариш хусусида” номли асарларининг ахлоқий моҳияти.

Шўролар даври ахлоқшунослиги. Мустақиллик даврида янги ахлоқий тафаккурнинг шаклланиши.

Этика фанининг асосий категориялари

Этика категорияларининг ўзига хос хусусиятлари. Буюк мутафаккирлар этика категориялари ҳақида. Муҳаббат – ахлоқшуносликнинг энг асосий категорияси. Муҳаббатнинг турлари: Ватанга, миллатга, ота-онага, фарзандга, инсониятга, гўзаликка муҳаббат. Муҳаббат ва нафрат.

Эзгулик ва ёвузлик; яхшилик ва ёмонлик; адолат ва адолатсизлик; бурч ва масъулиятсизлик; виждон ва виждонсизлик; номус ва беномуслик; бахт ва бахтсизлик; ҳақиқатпарварлик ва ёлғончилик, ҳаётнинг маъноси, идеал тушунчалари.

Ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар

Ахлоқий тамойиллар ва уларнинг шахс ва жамият муносабатларида намоён бўлиши. Ахлоқий тамойилларга тарихийлик нуқтаи назаридан ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари. Ватанпарварлик; инсонпарварлик; эркпарварлик; фидоийлик; зиёлилик; меҳнатсеварлик; тинчликпарварлик; жўмардлик; ўзбекчилик; меҳмондўстлик.

Ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов. Ахлоқий меъёрлар: ҳалоллик ва нопоклик; тўғрилик ва эгрилик; ростгўйлик ва ёлғончилик; инсофлилик ва инсофсизлик; хушфеъллик ва бадфеъллик; ширинсуханлик ва қўполлик; камтаринлик ва мақтанчоқлик; вафо ва хиёнат; садоқат ва сотқинлик; масъулият ва лоқайдлик; орият ва бузуқлик.

Дунё халқларининг ахлоқий менталитети

Европа ва Осиё халқлари ахлоқидаги умумийлик ва фарқли жиҳатлар. Шарқ мамлакатлари халқларининг ахлоқи: ўзаро ҳурмат; сабр-тоқат; юзхотирчилик; андишалилик; мурувватлилик; саҳоватпешалик. Ғарб халқлари ахлоқидаги хусусиятлар: чўрткесарлик; қатьиятлилик, индивидуализм, эгоцентризм, космополитизм.

Африка ва Лотин Америкаси халқларининг ахлоқий менталитети. Яқин ва Узоқ Шарқ мамлакатлари халқларининг ахлоқий анъаналари. Ахлоқий менталитетда ворисийликнинг намоён бўлиши.

Никоҳ, оила ва давлатнинг ахлоқий асослари

Никоҳ энг қадимги ахлоқий муносабат шакли. Буюк мутафаккирлар оиланинг муқаддаслиги ҳақида. Никоҳда муҳаббатнинг зарурийлиги. Никоҳнинг қонуний ва диний асослари. Оиладаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг фарзанд тарбиясига таъсири, эркак ва аёлнинг ўрни. Оила шаънини сақлашда ота-она ва фарзандлар масъулияти ва бурчлари; ажралиш ва унинг оқибатлари. Оилада ёшлар ва қарияларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлатнинг роли. Оилавий муносабатларга ноанъанавий ёндашувлар: бир жинсли никоҳлар, никоҳсиз оилалар ва уларнинг оқибатлари.

Давлатнинг ахлоқий моҳияти. Давлатнинг оила тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашдаги ўрни. Давлат томонидан ёш оилаларни ижтимоий муҳофаза қилинишининг аҳамияти. Оила шартномасининг ахлоқий жиҳатлари.

Муомала маданияти ва замонавий ахлоқ

Муомала маданияти – ахлоқий маданиятнинг таркибий қисми. Муомала одобининг ижтимоий-тарихий аҳамияти. Муомала одоби ва унинг ахлоқий маданиятда намоён бўлиши. Этикет замонавий ахлоқнинг назарий ва амалий асоси. Асосий ахлоқий қадриятлар: хусусий ахлоқий қадриятлар; универсал ахлоқий қадриятлар; минтақавий ахлоқий қадриятлар.

Касбий одобнинг ахлоқий маданият билан уйғунлиги; касбий эркинлик ва касбий бурчнинг ахлоқий моҳияти. Инсоннинг касбий одоби: олим одоби, журналист одоби, ҳуқуқшунос одоби, шифокор одоби, педагог одоби, муҳандис одоби, тадбиркор ва савдо ходими одоби ва ҳ.к.

Шахс ахлоқий тарбияси

Шахс ахлоқий камолотида таълим ва тарбиянинг ўрни. Билим – шахсни мақсадга йўналтирувчи куч: кундалик билим, шахсий билим, диний билим, илмий билим. Ахлоқий ва жисмоний тарбия уйғунлиги. Тиббий ва экологик тарбиянинг ахлоқий асослари. Тана парваришининг тиббий тарбиядаги ўрни. Соғлом турмуш тарзининг баркамол авлод ахлоқий тарбиясидаги аҳамияти. Санъатнинг шахс ахлоқий тарбиясига таъсири: кино, мусиқа, қўшиқ, театр, бадиий асар. Шахс тарбиясига ижтимоий муҳитнинг таъсири: оила, жамоа, оилавий тадбирлар, гуруҳлар. Йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишнинг ахлоқий мезонлари. Замонавий ахлоқий тарбиянинг ютуқлари ва камчиликлари. “Оммавий маданият”нинг ёшлар дунёқарашига таъсири. Замонавий ахлоқий тарбияда космополитизмга мойиллик.

Этиканинг замонавий муаммолари

Глобал жараёнларнинг шахс ахлоқий камолотига таъсири. Инсоннинг ҳаёт мазмунига ва ўлимга муносабати: маънавий-руҳий ва жисмоний азоб. Ижтимоий муҳофаза – ахлоқий зарурият. Биоэтика – амалий этиканинг назарий асоси. Эвтаназия: актив ва пассив эвтаназия. Клонлаштириш, трансплантация, ксенотарансплантация (инсонга ҳайвон органи ва тўқималарини ўтказилиши) ва донорлик диний этика нуқтаи назаридан. Этиканинг замонавий муаммоларига диний ва илмий ёндашувлар.

Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича профессор-ўқитувчилар томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича билим ва кўникмаларини амалий машғулот жараёнида янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Семинар машғулотларида талабалар этиканинг назарий ва амалий асосларини ўрганадилар.

Семинар машғулотларнинг тавсия этиладиган тахминий мавзулари:

1. Глобаллашув жараёнида маънавий таназзул ҳодисаси ва унинг ахлоқий асослари.
2. Иқтисодий тараққиёт жараёнларида ахлоқий билимнинг зарурияти.
3. Комил инсон концепциясининг ахлоқий – маънавий негизлари.
4. Шахс ахлоқий камолотига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар.
5. “Оммавий маданият” ва унинг ғайриахлоқий кўринишлари.
6. Ахлоқий маданиятнинг ривожланишида интернетнинг ўрни.
7. Миллий қадриятлар ва замонавий ёшлар.
8. Эфтоназиянинг ахлоқий муаммолари.
9. Соғлом турмуш тарзи мустаҳкам оиланинг гарови сифатида.
10. Кино санъатининг ёшлар ахлоқий тарбясига таъсири.
11. Этика асосий категориялари ўртасидаги умумий алоқадорлик.
12. Ахлоқий маданиятнинг замонавий йўналишлари.
13. Этикетнинг дид – фаҳм, фаросат ривожидаги ўрни.
14. Маърифат – маънавий камолотнинг асосий йўли сифатида.
15. Ахлоқий тафаккурни ривожлантириш қонуниятлари.
16. Инсон шахсининг гўзаллиги ва манфаатлар уйғунлиги.
17. Жамиятни модернизация қилишнинг ахлоқий асослари.
18. Дин – инсон маънавияти ривожланишининг муҳим омилларидан бири сифатида.
19. Ахлоқнинг глобал муаммолари.
20. Шарқ мутафаккирлари асарларида илгари сурилган ахлоқий ғояларини фалсафий тафаккур тарихидаги ўрни.

Мустақил ишларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълимнинг турли хил шакллари мавжуд бўлиб, бунда асосий эътибор талабанинг берилган мавзулар (амалий масалалар, топшириқлар ва кейс-стадилар)ни мустақил равишда, яъни аудиториядан ташқарида бажариши, ўқиб ўрганиши ва шу йўналиш бўйича билим ва кўникмаларини чуқурлаштиришига қаратилади. Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

– дарслик ёки ўқув қўлланмалар бўйича фанлар боблари ва мавзуларини ўрганиш;

– тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

– мустақил ишлар, кейс-стадилар билан ишлаш;

– махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

– фанга оид статистик маълумотларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш;

– талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ёки мавзуларни чуқур ўрганиш;

– фаол ва муаммоли ўқитиш усулларидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари;

– масофавий (дистанцион) таълим.

«Этика» фанидан талабаларнинг мустақил ишларини реферат, семинар, маъруза тайёрлаш, Президент асарларини конспектлаштириш ва бошқа шаклларда ташкил этилиши тавсия этилади. Мустақил иш мавзуларини белгилашда маъруза ва семинар машғулотлари мавзуларини тўлдиришга ҳаракат қилиниши лозим.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг таҳминий мавзулари:

1. Инсон қадр-қимматининг мазмуни.
2. Ахлоқнинг умуминсоний, минтақавий ва миллий хусусиятлари.
3. Ор-номус, қадр-қиммат, шарм-ҳаё ахлоқий меъёрлари сифатида.
4. Оила ахлоқи.
5. Хушмуомалалик хулқий гўзаллик сифатида.
6. Муҳаббатнинг турлари ва унинг ахлоқий жиҳатлари.
7. Шахснинг ахлоқий фазилатлари.
8. Этика фанини ижтимоий жараёнлар билан боғлиқлиги.
9. Тасаввуфнинг ахлоқ фалсафаси сифатида намоён бўлиши.
10. Ахлоқнинг глобал муаммолари.
11. Ахлоқ ва демократия.
12. Ахлоқ ва мафкура.
13. Арастунинг “Ахлоқи Кабир” асарида ахлоқий муаммоларнинг ёритилиши.
14. Шахс маънавий камолотида ахлоқий қадриятлар уйғунлиги
15. Санъатнинг ахлоқий хусусиятлари.
16. Оммавий маданият ва ёшларнинг ахлоқий қарашлари.

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

“Этика” фанини ўқитишда замонавий (хусусан, интерфаол) методлар, ахборот коммуникация (медиатаълим, амалий дастур пакетлари, презентацион, электрон-дидактик) технологияларининг қўлланиши назарда тутилади. Машғулотларда электрон дарслик, мавзуга оид теледисклар ва бошқа кўргазмали қуроллардан фойдаланилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
3. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд, - Т.: Ўзбекистон, 2007. - 318 б.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010.

Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар:

1. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Дарслик. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2010.
2. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. / Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: Шарқ, 2004
3. Мамашокиров С., Усманов Э. Барқарор тараққиётнинг экологик хавфсизлик масалалалари. –Т.: Фан, 2009.
4. Муҳаммаджонова Л., Жадид мутафаккирларининг ахлоқий қарашлари. –Т.: ЎзМУ. 2007.
5. Назаров Қ. Аксиология – қадриятлар фалсафаси. –Т.: ЎФМЖ, 2004.
6. Нурматова М. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик қадриятлар уйғунлиги. – Т.: Университет, 2009.
7. Ҳусанов Б., Гуламов В. Муомала маданияти. Дарслик. –Т.: Иқтисод-молия, 2009.
8. Шермухаммедова Н.А. XXI аср фанининг долзарб муаммолари // Фалсафа ва фан методологияси. – Т.: Университет, 2005.

Қўшимча адабиётлар:

1. Арасту. Поэтика. Ахлоқи Кабир. –Т.: Янги аср авлоди, 2004.
2. Аликулов Ҳ. Фалсафий мерос ва маънавий-ахлоқий фикр ривожи. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009.
3. Агзамходжаева С.С. Ижтимоий идеал ва Ўзбекистонда ижтимоий-маънавий тараққиёт муаммолари. Диссертация. Фалс. фан. док. – Т.: 2009.
4. Абдулла Авлоний Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Ўқитувчи, 1992.
5. Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал Бухорий. Ҳадис. 2. томлик –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008.
6. Жабборов И. Ўзбеклар (анаънавий хўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти). –Т.: Шарқ, 2008.
7. Загритдинова Ф.Б. Философско-этический анализ проблем современной биомедицины (на примере Республики Узбекистан). Диссертация. Док. филос. наук. – Т.: 2006.

8. Қаххарова Ш. Глобал маънавият глобаллашувнинг ғоявий асоси. –Т.: Тафаккур, 2009.
9. Мадаева Ш. Миллий менталитет ва демократик тафаккур. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007.
10. Маҳмудов Т. Комиллик асрорлари. Ҳаётий ҳикматлар. –Т.: Адолат, 2006.
11. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2009 йил.
12. Наврўзова Т.Н., Зоиров Э.Х., Юнусова Т.С. Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006.
13. Мухаммаджонова Л.А. Маърифатпарвар шоирлар – Дилшод Барно ва Анбар Отиннинг ахлоқий қарашлари. Диссертация. Фалс. фан.ном. – Т.: 2005.
14. Муҳаммаджонова Л.А. Жадид мутафаккирларининг ахлоқий-эстетик қарашлари./ Услубий қўлланма. –Тошкент: ЎзМУ, 2007.
15. Нурматова М.А. Шахс маънавий камолотида эстетик ва ахлоқий ва эстетик қадриятлар уйғунлиги. –Т.: Университет, 2009.
16. Нажмиддинова К.У. Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни. Диссертация. Фалс. фан.ном. – Т.: 2004.
17. Очилдиев А. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. –Т.: Ijod dunyosi, 2002.
18. Очилова Б. Миллий-маънавий юксалишда мерос, қадриятлар ва ворисийлик. –Т.: Истиқлол, 2009.
19. Отамуродав С. Глобаллашув ва миллат. –Т.: Янги аср авлоди, 2008.
20. Тиллаева Г. Маънавият ва комил инсон тарбияси. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006.
21. Термизий. Саҳиҳи Термизий. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.
22. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари. – Т., Маънавият, 2006.
23. Фалсафа: қомусий луғат. / Қ.Назаров таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2004.
24. Хожиахмедов А. Маҳалла одоби. –Т.: Шарқ, 2001.
25. Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
26. Чориев А. Инсон фалсафаси. –Т.: Чинор ЭНК нашриёти, 2007.
27. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. Адаб. – Т.: Шарқ 2008.
28. Қаршибоев А. Мусулмончилик – эзгу фазилатлар мужассами. –Т.: Мовароуннаҳр, 2001.
29. Қуронов М. Миллий ғоя ва ўзбек характери. – Т.: Маънавият, 2005.
30. Якубов Ю.М. Ислом таълимотида шахс ва жамият муносабатлари масаласи. Диссертация. Фалс. фан.ном. – Т.: 2009.

Электрон таълим ресурслари:

1. http//www.mgimo.ru/fileserver
2. http://www.pacademy.edu.b
3. http://www.rags.ru/kaf/fi...
4. http://www.ssu.runnet.ru/...